

Оилде жамғармайт

ВА


ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1992 й. октябрь

43
сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ З СҮМ



— ОВУТИШ МАНА БУНДАЙ БҮЛТИ!

Суратчи: А. ТўРАЕВ

УШБУ
СОНДА:

МЕЪРОЖ АДАБИ

4-бет

АЛИ ШЕР:

Орамизда «адашиб»
кирганлар ҳам бор
6-бет

НОРМУРОД МУСОМОВ:

Йогларнинг олмос тани




7-бет

кейинги 1 сонларда

ШАРОФ БОШБЕКОВ:
«Темир хотин»ни
менсимай ёзгандим

МАРҲАБО АҲМЕДОВА:
Кўчага чиқшига уяламан

(61) 43 «Оила ва жамият»



Бир куни

ҚАЙТАР ДУНЁ

4 ёшли ўғилчам билан сояда ўтирувдик. Мен китоб ўқијатын, ўғлым ўзича тупроқ ўйнаб, ерга нималарни дирачиштап.

— Ота, — деди бир вақт.
— Ҳа, ўғлым, — дедим.
— Сизин сўйсам хиллилаб («хириллаб» демоқчи, «р» га тили бормайди) қоласизда, — деди сўйишига ишончи комилу фақат хириллаб қолишинани ўйлаб иккиланаётгандек.

— Яхшилаб сўйсанг хирилламасман-да, — дедим боланинг қилиғидан завъланниб.

— Манави кичкина-да, — деди кўлидаги ойнанинг си-

нигини кўрсатиб.

Ўйдагиларга боланинг қилиғини айтиб, кулишдик. Ўйланиши қолдим. Ўзим 4—5 ёшлар чоғимда отам раҳматли (жойлари жаннатда бўлсан) билан эшак миниб, тезак тергани чиқибмиз.

Тезак териб юриб, отабола «жанжаллашиб» қолибмиз:

— Бир тегиб ўлдириб ташлайман, — дебман мен.

— Бир тепганинга ўламанми, менинг ҳам жонимбор, — дебди отамиз болаларча қилиғимга қизиқиб.


— Бўлмаса тўрт тегиб ўлдираман, — дебман мен.

— Тўрт тегиб ўлдиранг Нурмамат, Рўзимурод (кatta акамлар) қўядими сени, — дебди отамиз.

— Тоққа чиқиб кетаман, тополмайди, — деган эканман.

Кейин ҳам отам айтиб, кулишиб юрарди. Ўғлимнинг қилиғидан кейин ўйланиши қолдим. Бир нарсани англардан бўлдим. Ота-онангизга нима қиссангиз, умр «дўлти бир айлангунча» дейди—сизга ҳам қайтиб турибди. Алҳазар!..

Нишон ЖАББОРОВ
Чироқчи тумани



Етти кун

ЕБ КЕТАРГА — ЮЗ МИНГ!

Бозор иқтисодиёти издиҳомида шоирнинг қадри уч пул деб ўйламанг. Урганчда «Хоразм АРТ» нафис санъат марказининг очилиш маросимида вилоят ҳокими М. Жуманиёзов ҳокимлик жамғармасдан воҳалик таникли шоир Матназар Абдулҳакимга юз минг сўм ҳада қилинажаганини эълон қилди.

СУННАТИЛАР СПИДга ЧАЛИНМАЙДИ.

Яхудийлар ақлли ҳалқ-да! Исройлда биз грипга қарши қўллайдиган дори — «Интерферон»нинг янги турнишлаб чиқди. Олимларнинг таъкидлашча, унинг ёрдамида датто СПИДни даволоса бўлармиш. Лекин ҳаммадан қизиги, бу «Интерферон» кургур болакларни суннат қилинганда олиб ташланадиган кертақдан тайёрланар экан.

«АЛОМАТ — БИР, АЛОМАТ — ИККИ...»

«Темир хотин»даги Олимтойнинг «Ҳали булар кўпайди. Юзлаб, минглаб «аломат»лар пайдо бўлади» деган сўзлари эсингиздадир! Башорат тўғри чиқди: аввалроқ Фарғона театрининг актрисаси Ойқарам Ҳалимова фарзандлик бўлганди. Яқинда «Темир хотин» филмидаги робот аёл ижрочиси — Дилором Этамбердиева ҳам она буди — киз тўғиди.

ҚИЁМАТ ЯҚИН

Аниқроғи, 28 октябрда эмиш. Бу ҳақда Тошкентдаги Жанубий Куря насронийлар жамоаси шов-шув тарқатган. Шу муносабат билан Урта Осиё археопскоти Владимир Диндорларга мурожаат этиб, бу уйдирмага ишонмаслика ва Инжилдаги «Қиёмат куни» ва соатидан ўеч ким хабардор бўлган эмас» сўзларини ёдда тутишга қақириди, деб хабар беради Масковда чиқадиган «Россия» газети.

ҚУЛОФИ ТЕШИЛМАГАН ЭКАН

Тошкент киноанжуманининг охирги куни, анъанадаги деқ, санъаткорларга совғалар топширилди. Совғаларнинг энг чиройлиси покистонлик Сабина Пирзода, бағладешлил Гулшанаро Чампа ва туркиялик ғамзахонимларга тақдим этилган зираклар бўлди. Уларни ўши ёрдаёт хонимларга тақиб қўйиши. Фақат... туркиялик хонимга келганда атрофида айланниб-айланниб, сўнг зирак солинган қутчанин қўлига тутизиши. Майлум бўлишича, ғамзахонимнинг қулоги тешилмаган экан.

САНЪАТКОРНИНГ ҲИММАТИ

Тўрткўл шаҳрида ўлкан масжид бунёд бўлмоқда. Масжид минораси машҳур ҳофиз Отажон Ҳудойшукур сармоясига қурилди. Минора баҳосини ҳозирги ўрис пулига юз минг рубла баҳолашмоқда.

ПОЕЗД КЕЛМАДИ

Челаклии уч йигит Тошкентга бориш учун поездга билет олишганди. Сафар олдидан хурсандчиллик қилишмоқчи бўлишиди. Оқибати — уччови мошин ҳам ўтмайдиган кўчада кайфи тарқатунча поезд кутишиди. Афсуски, поезд келмади.

СОВРИН — САВДОГА

Хивада Паҳлавон Маҳмуд хотирасига багишилаб ўтказилган миллий кураш бўйича беллашувда ҳашқадарёлик Қодир полвон катта соврин — ўттис минг сўмлик новвосни қўлга киритди ва шу ерда, томошагоҳдаё... сотиб юборди. Қанчага! Бу энди сир.

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

МИТТИ АКТРИСА

Нодира Абзалова Успенский номли республика маҳсус мусиқа мактабининг 4-синфида фортелию бўлимида ўқши билан бирга киноларга ҳам суратга тушаётди. Қўзингиз тушган бўлса «Армон» бадиий фильмida Ўлмас номли бош қазармонини болалигини, янги олинган «Олтингевор» фильмida ҳам бир ролни ижро этган. «Наштар»да мунтазам қатнашади. Яқинда «Чархпалак» кўрсатувида «Оғир вазифа» деб аталмиши янги сатирик рол ижро этди.

Ҳадемай уни ойна ҳамоний этишади.

Унинг орзуси отаси каби режиссёр бўлши. Лекин, шу

кунларда у актриса бўлиши учун ҳам ҳаракат қилияпти. Отаси Мелис ака қузининг орзусига «... монелик қилмайман. Ҳар бир инсон кўнгли тусаганийдай ўсими керак» — дейди.

Нодира мактабни тугатиб кино илмгоҳида ўқиши орзусига. Шу ништада у XI Осиё, Африка ва Лотин Америкаси Тошкент хақаро киноанжуманига келган машҳур киноюлдузларидан бири Чампана (Бангладеш). фотиҳа олди.

Суратда: Нодира актриса Чампана билан.

АРҚОНГА ОСИЛГАН БИЛИМСИЗЛИК

Оилада руҳият ва жинсият

У бунёдга келиб, ҳәттда илк маротаба дүч көлгөн жиддий саволга жағобиң үзін топади. Жавоби — иккى қулоч арқон!..

...Онаси ёрталаб сигир соғиши учун молхонага кирди-ю, даҳшатдан донг қотиб қолди. Сүнгра бор овози билан дод солиб юборди-ю, хушидан кетиб қишилди. Азоңдаги дод-фарёд бутун қишилко бүйлаб қақмоқдай тарқалди. Зум үтмай одамлар тұпланиши, шип-га осилі әттан жонсиз тананы авайлаб ерге олиб қүйиши.

Хүш, бу навқорон сүкісурдай йигит неучун излай-излай ҳәттеден шунчалар даҳшатты жағобиң топди? Нахотки унинг бундан бошқа чораси йүк эди?

Норбай (қархоннинг асл исимни ёзмаслыкни маъсул құрдик) болалығыдан оқта тортиңчиқ, камгап, күпинча гүрух-гүрух үйніларның үйнашдан күрағындағы үйнешіндең азонасынан күрділді. Азонасынан күрділді. Сүнгра бор овози билан қишилко бүйлаб қақмоқдай тарқалди. Зум үтмай одамлар тұпланиши, шип-га осилі әттан жонсиз тананы авайлаб ерге олиб қүйиши.

Норбай (қархоннинг асл исимни ёзмаслыкни маъсул құрдик) болалығыдан оқта тортиңчиқ, камгап, күпинча гүрух-гүрух үйніларның үйнешіндең азонасынан күрділді. Азонасынан күрділді. Сүнгра бор овози билан қишилко бүйлаб қақмоқдай тарқалди. Зум үтмай одамлар тұпланиши, шип-га осилі әттан жонсиз тананы авайлаб ерге олиб қүйиши.

Севги нафақат охандығынан күрділді. Азонасынан күрділді. Сүнгра бор овози билан қишилко бүйлаб қақмоқдай тарқалди. Зум үтмай одамлар тұпланиши, шип-га осилі әттан жонсиз тананы авайлаб ерге олиб қүйиши.

Яқинлашгани сари үзидеги ноанық хисини аниқ сеза бошлади: у түйдән кейнинг бириңи висол тунидан қүркәрди.

...Айнан үша қүркүв уни бадном күнде. Очиғини айтганды, нафақат бу түйгү, балки...

Күшилдер айттылаб, ширин-шакар тилаклар билдириліб, түй ҳам үтдікетди. Үша түн түйгүлар талошида, әхтирослар оғушида, эң өмөні қүркүв таңырында у үз-үзиге бұлған ишончнин камайтири. Эртасыға күни бүйін-күшнин ботмаслигини, кеч кирмаслигини худодан ёлвори сүрәди. Соат миллиарнин қар бир чиқ-чиқын үннін тобора даҳшатта түшиб бораётгандын күнглини яна яна зәзді. Иккінчи түнні үтказынан үндән-да оғир бўлди. Унинг юрагини тимдалайдиган, үзига бўлган ишони түйгүсиги емрадиган бу каби даҳшати кунларнинг бир қанчаси үткіб кетди... Кундузлари Норбай қандайдир ишларни баҳона килиб үйдан чиқиб кетар, үйга эса кеч қайтар, Зайнабнинг, севимли Зайнабнинг күзига тик қарай олмасди. Кунлар үтган сари унинг Зайнаб билан бир қонада ёлғиз қолиши кийнлашади. Зайнаб, шўрлик Зайнаб бўлса, олдинга «Норбай амал жуда ҳам ҹарчагандир» деб үйлади. Кейин, кейин эса унинг ҳам күнглига шубҳа ин курди. Бесамар, ўтётгандан тунларнинг бирда кўлларидан шашшатор ёш тўкиб, Норбай акаси билан «очиқчасига» гаплашиб олди. Табиатан уячан тортинчоқ Норбай бошини ҳам қилиганча «ўзим ҳам ҳеч нарсага тушунмайман», деб олди, ҳолос. У бечора келинчакни юлата олмади. Елкасига күёв чопонини ташлади-да, үйдан чиқиб кетди. Шу түнни Зайнаб келинчак сарполови билан безанган хонада, Норбай бўлса үйдан олисада, бир чимзорда ёлғиз үтказди. Шундан сүнг ҳамма нарса айқаш-үйқаш бўлбік кетди. Зайнаб бир жомадонга у-бы нарсаларни солиб, отасининг үйига йўл олганида, Маҳфират хола келинчакнинг оғигига эшилиб, кетмаслигини ялиниб-ёлворди. Бечора она келинини ўғли бирон нарса деб хафа килган бўлса керак, деб ўйлаганди. Келинчакни кетишнинг сабабини сүради, айтасан, деб туриб олди. Зайнаб ҳам йиги арапаш ачитиб, «ўғлингизни ўғилми ёки киз эканлигини аниқлаб, кейин ўйлантирмайсизларми?» деб юборди. Маҳфират холанинг бошига бирор гурух билан ургандек бўлди. Зайнаб чиқди-кетди. Норбай үйда йўқ, билмайди қаэрларда юрганини. У шу якында ишлайдиган эрини зудлик билан топтириб келди ва бор гапни түкиб солди. Ота ҳам бир зумда чўқди-кетди. Улар кечгача қәёкларда юргани номаълум ўғлини кутишди. Кун ботгандан ўғлини бир-инки ўтрги мотосиклда фирт мост ҳолда ташлаб кетишиди. Отаси Норбайдан бўлбік үтган воқеаларни сурштириди. Норбай бўлса нуқул йиглар, нималарни деб гудранарди. Кейин ухлаб қолди. Отаси туни бўйин мижжа қоқмай, нима қилиш кераклигини ўйлашарди. Эрталаб ота қишлоқдаги мулладан ёрдам сўраб илтих қилди. Мулла ўзининг беминнат ёрдамини қилишга қида-ю, аммо бор гапдан кампирини оғоз қилишдан үзини тия олмади. Худди шу куни Норбайнинг юрагига энг сўнгги, ҳал қилювчи әнжар санчилди. Бу «жудаям қизик» гап бир неча кун үтмай қишлоқнинг бурчидан кириб, нариги бурчидан чиқиб кетди. Норбайнинг ахволига қимидир ачинча, қимидир: унинг устидан куларди. Қисқаси, Норбай қишлоқда бosh күтара олмай қолди. Инсоннинг табиати қизик: йўқотган нарсасини доим бошқа нима биландир тўлдирмоқчи бўлади. Норбай йўқотган хузур-ҳа-

ловатини ароқдан топғандек бўлди. У неча кунларни ароқнинг сархушлигига кўн нарсаларни англаб-англамай ўтказиб юборди. Қўрқанга кўш кўринади, деганларидек, унинг назаридан ҳамма у ҳақда гаплашадиган дек бўларди. Энди Норбай ўзининг қанақадир номаълум расво касалликка ҹалинганига гумон қилмай қўйди. Бунақа ҳодисани психология идохандрия деб атасади. Шўрлик ота-она ўғлининг дардига шифо излаб, атрофдаги барча муллаларни олиб келишиди. Ешилидан ота-онасининг гапини қайтасидар ўғлан Норбай үтсан Норбай лом-мим демай ихтиёрини уларга топшириб қўйди. Эскиласига бўлмагач, янгинасида давлатишига бел боғлашди. Шундай алғов-далғов кунларнинг бирда Норбай қишлоқ марказидаги ошхонанинг буфетидеги тўйиб ароқ ичди. Маст ҳолда эшикдан чиқаётбі, бир кишини туртиб юборди. У ҳам ўйлаб ўтирасдан, жаҳл билан: «Одамга ўхшаб юрсанг-чи, бесоқол!» деб юборди. Кайфи ҳам бир зумда тарқагандек бўлди. Қаршисидаги сурбетларча турган одамни янчиб ташлаомоқи бўлди, аммо хәлида «ўзинг бесоқол бўлсанг, унда нима айб!» деган аламли фикр яшиндеги чакнади. Бошини ҳам қилганса түйга борди. Ичди! Яна иди! Нихоят ярим кечаси үзини қийнаган барча саволларга чек қўймоқчи бўлди. У бор азобларига ҳам, умрига ҳам сўнгги нуқтани молхонада қўйди...

Бу замгина тарихнинг давомини сиз яхши биласиз, ҳурматли муштари. Бас шундай экан, қиссадан ҳисса чиқармок пайти ҳам етди.

Келинг, танамизга бир ўйлаб кўрайлик. Норбай нимаминг курбони бўлди? Нима унинг кўлига арқон тутқазди? Норбайнинг вужудини қамраб олган «номаълум касаллик»ми? Ундан де-

сак, жасадни текширган врачларимиз бу баркамол танада бирорта ҳам нософломник аломатини топа олишмади. Зайнабнинг үйни ташлаб чиқиб кетишшиими? Ароқни? Қишлоқдаги мишишларми? Буларнинг барчasi ҳам асл сабаб бўла олмайди. Ҳар бир томирда ёшлини кучи жўш турган руҳни курган қилган нарса — билимсизлик бўлди. Айтингчи, бизнинг ҳар биримиз ҳам умримизнинг болалик, ўсмирилик сабаби шундай олишмади. Ҳар биримиздан оширилган оғланимиз: «Ақлга тўла» китобларимизданни, мактабда билимд олтикувчиларимизданни ёки бизнинг тарбиямиз билан бевосита шугулланышлар зарур булган мұхтарар ота-оналаримизданми? Ағуски, ҳеч қайсида бемалол гапира олишади-ю, аммо айнан шу ҳақда гапириши тўғри келгандан сукун саклашни афзал куришади. Мингданнинг надоматлар бўлсинким, бугунги куннинг ёшлари гапириш таъкилланган «сири дунё ҳәкимдаги билимларини асосан кўчадан: ўзидан катта ўшади болалардан, «билимдорон» тенгдошларидан олади. Ҳўш, айтингчи, ўша билимларининг тўрилигига ва етарида дарақада тўғри тарбия берга олишилигига ким кафолат берга олади?

Шўрлик Норбай ўзининг руҳияти ва жисмониятида содир бўлаётгандан ўзгаришларни тушуниб етмади. Жунбушга келган ҳис-туййулар, әхтирослар бўрони баъзидан бевосита бизнинг жисмимизга таъсир қилиб, вақтнчаликка вужудимиздаги физиологик жараёнларни ўзгартирниб юбориши мумкин. Бу — нософломник аломати эмас. Психологиядаги бу энг содда қонуниятини на Норбай, на Зайнаб, на уларни куршаб турган одамлар билишарди.

Умр ҳазон бўлди. Ҳўш бу фожиавинг тақрорламаслиги учун нима қилиш керак? Бу нозик сирларни ёшларга ким ва қай тарзда ўргатмоги лозим. Бўниси эса алоҳида мавзу.

Хўжакелди ОЛИМ



Суратчи: С. МАҲКАМОВ

(61) 43 «Оила ва жамият»



ШАРИАТ ҲУКМЛАРИНИ БИЛИШ ВОСИТАЛАРИ

Құлымизда шариати Мұхаммадия
нинг асосларини билиш учун иккита
восита бор.

1.—Күртөн.

2. Сұннат.

Биламизки, Қуръон Оллохнинг каломы булип, үннің әр бир сүзи Оллох тарафидан сўзма-сўз нозил бўлган. Сұннат эса — Мұхаммад алайхиссаломдан олдирилган ривоятлар. Мұхаммад алайхиссаломнинг ҳаётлари бошидан охиригана Қуръоннинг шархи эди. У киши пайғамбар бўлганидан бошлаб, тўла йигирма уч йил давомидан инсонларга Оллох рози бўладиган ҳаёт йўлни таълим бериш ва унга бошлаш билан машгул бўлганлар. Мана шу муддат орасида Мұхаммад алайхиссаломнинг биродарлари, яқин қариндошлари, покиза рафиқалари, у кишининг сўзларини foғyат аҳамият билан тинглардилар, қилаётган ишларига эргашардилар, ҳаётларидаги ҳар бир ҳолатда, ҳар бир мумомалада у кишидан йўл-йўриқ сўрардилар. У зот гоҳда бир нарсага буюар, ҳоҳида бир нарсадан қайтарарди. У кишининг бўйруқларини таъкидларидан.

ни эшитганлар эшитмаганларга етказардилар. У кишининг ўзига хос бир ишини кўрганлар кўрмаганларга айтиб берардилар. Шунингдек, пайғамбар алайхиссаломнинг олдида агар бир киши бирор ишни қисла, ундан қайтарарди ёки индамасди. Одамлар у кишининг мана шундай ишларини ҳам эслаб қолишган. Мұхаммад алайхиссаломнинг кейинги тобеълари у кишининг ҳадисларини сақлаб, барчасини ровийларнинг номларини ҳам қўшиб, китоб — девон қилганлар. Шу тариқа одамларда Мұхаммад алайхиссаломнинг ҳадисларидан катта-катта маҳмуналар қолган. Бу китобларнинг энг машҳур ва энг зътиимодлиси кўйидаги имомларнинг девонларидир.

- 1.—Имом Бухорий
- 2—Имом Муслим.
- 3—Имом Молик.
- 4—Имом Термизий.
- 5—Имом Абу Довуд.
- 6—Имом ибн Можах.
- 7—Имом Нисоний.

ФИХ

Мусулмонларнинг улуг имомлари Қуръон ва суннатнинг ҳукмларига биноан, улардан фойдаланиш мусулмон оммасига осон бўлиши учун исломнинг муфассал қонунларини тузишган. Қуръон ва суннатнинг ҳукмларидан олинган мана шу қонунларни «фиқих» дейилади. Шариатнинг ҳукмларини била олиш даражасида суннатни билмайдиган киши Қуръондан ўзича ҳукмларни чиқариши мумкин эмас. Бутун дунё мусулмонлари бўйниларидаги не-не машақатлар, узлуксиз тадқиқотлар, ҳаракатлар билан фиқих китобларини тузуб кетган улуг имомларнинг ҳақларини уннутмасликлари керак. Ҳозирги кундаги мусулмонларнинг осонлик билан исломий шариатга эргаша олаётгандилар, үннинг ҳукмларини била олаётгандилар ҳаракатларнинг натижаларидир.

Даставал фиқих китобларини кўп кишилар ўз услуглари билан тузгандар. Пировардида, тўртта фиқих мазҳаб қолган. Ҳозирда ер юзидағи кўпчилик мусулмонлар ана шу тўрт мазҳабнинг бирига эргашадилар.

1—фиқих Ҳанафий. Уни имом Абу Ҳанифа (Оллох, у кишидан рози бўлсин) дўйстлари Абу Юсуф Мұхаммад, Зуфар ва бошқа улуг олимлар билан ҳамкорликда тузган.

2—фиқих Моликий. Уни имом Молик ибн Анас (Оллох, у кишидан рози бўлсин) тузган.

Гўдак қалбига руҳий озука Аллох таолодан бўлса, маънавий озука, албатта, она алласидан бошланади. Она сийнасидаги ҳаёт шарбатига тўйған чақалоқ бирдан ухламайди, чунки унинг кўнгли ҳам оч қолиб, ғингшиб йиглайди, негаки гўдакнинг корни тўй бўлса-да она алласига ташса бўлади, онанинг алласини эшитгачина кўнгли хотиржам пишиллаб ухлайди.

Она сийнасидаги ҳаёт шарбати мурғак учун тенги ўйқ озуқаки, үннинг үрнини ҳеч нарса боса олмайди. Она қалби тубсиз уммрон кабодир. Эзгулик булоги ўша уммонинг тубида жойлашган. Демак, фарзанд келажакнинг

ОНАНИНГ АЛЛАСИ КҮНГИЛНИНГ

СУТИ

оқил шарбати, сеҳрли алласи бўлади. Сут билан кирган яхши ҳуқ, то ўлгунча уни тарқ этмайди.

Ёзувчимиз Примқул Кодировнинг «Аллоҳлар довони» номли китобида ёзисиша Ҳиндистоннинг фарзанди Акбаршоҳ түгилганидан сўнг, ўша ерлик ҳар хил қабилалардан етти энагани ёллашибди, улар эса қаҳалокни эмизибдилар, чунки Акбаршоҳ анча барваста түгилган бўлиб, ўз онасининг сутига тўймаган экан. Тангрининг марҳаматини қаранғи, бу энагалар сийнасидаги ҳаёт шарбати Акбаршоҳнинг вужудига сингиб, улгайиб вояга етгандан кейин, мана шу ҳаёт шарбати орқали ўтган оналар

қалбидаги гурур, ор-номус, дўёнат, шижоат, жасорат, ибо ва бошқа барча эзгулик түйгулари муржассамланиси. Акбаршоҳда Ҳиндистоннинг үргу ва қабилаларни бирбирига қовуштириши ҳамда барчэ элатларни бираштириши орзу-истаклар рӯбга чиқиб, у буюк давлат — Ҳиндистонни вужудга келтирган экан.

Ха, она сути-ю, она алласидан баҳраманд бўлган фарзанд заковатли, ақл-идрокли, ўтири зеҳни, забардаст доно инсон бўлиб балогатга етади ва эзгу ишларга кўй уради.

Ботирхўжа МАМАРАСУЛ ўғли.



Суратчи: Р. АКБАРАЛИЕВ

Хат

•Акс-садо

ҚАМОҚХОНАДА

НАМОЗХОНА

КЕРАК

Кейинги йилларда юртимизда бир қанча масжидлар қурилди. Демак, ҳалқимизнинг ислом динига меҳри ортиб бормоқди.

Лекин, мене бир нарса кўп қийнайди. Жумҳурятимизда қамоқхоналар қурилди. Бу ерда маҳбусларнинг кўп қисини мусулмонлар ташкил қулади. Демак, қамоқхоналарда ҳам масжидлар очилса, айни мудда бўлур эди. Фикримча, турмада бўлган 60—70 фоиз одамлар тошбагир, баджаҳл бўлиб қайтишиади. Агар масжидлар очиб, маҳбусларга намоз ўқиши учун шарт-шароит яратиш берилса, турмадан чиқкан ҳар бир инсон турли хил жинотларга қўл урмасдан, эҳтимол қолган умрини пок, ҳалол яшаб ўтишга интилган бўларди.

Баҳодир ТОШБОЕВ

«БУ БАШАРНИНГ СЎЗИ ЭМАС»

Ҳурматли таҳририят! Ўтган сонда «Қуръон ҳақида фикрлар» сарлавҳасида берилган машҳур кишиларнинг фикри Қуръонни каримининг нақадар эвтиборда эквалигизни анатлатади. Лекин Қуръонни бадиши асар сифатида ҳисоблашарини ҳеч қабул қали олмади.

Чиқки, у илоҳий китоб. Яқинда япон компьютери Қуръоннинг ҳар жиҳатдан еткулигини унни одамзод ёза олмаслигини ҳисоблаб чиқди. Қолаверса, «Қуръонни каримининг Алоуддин Мансур томонидан таржимасидағи «Ол-и Имрон» сурасида шунда изоҳин ўқиши юқоридағи фикрга шубҳа қолдирмайди.

«...Мұхаммад алайхиссалом замонлариди араб оламида арабийд ҳиҳоят даражада ривожланган бўлиб, айбайлар орасида тез-тез мусобақалар ўтказилиб турар ва голибларнинг асарларини Каъба деворига осиб қўйишар эди. Қунлардан бир куни саҳобалардан бирни Қуръондаги энг чиқиқ сурага бўлган «Қавсар» сураси эзизган варажни голиб асарлар ёнига илиб қўйди. Шунда мўъжиза юз беради: бу сурани ўқиган шоурлар бир овоздан: «Бу башарнинг сўзи эмас!» — деб гувоҳлик берадилар».

Б. ИМОМОВ
ТошДД толиби

● Маслаҳатлар ●

Янги этик сотиб олгандингиз. Унинг занжирни ёпилмайди. Қайтумранг. Мисвок билан тозалаб, вазелин (ёки ёт) суртиб қўйсангиз, яна аввалги ҳолатига қайтади.

Асални сирли идишда сақлаган маъкул, чунки сирли идишда асал таркибида витамин ва фойдали моддадар узоқ вақт сақланади.

Пишаётган овқатга сув ва тузни бир марта солинг. Бўлиб-бўлиб бир неча марта солингдан таомнинг мазаси бузилади.

Кўпинча дазмол тагида сарик диг пайдо бўлиб қолади. Уни йўқотиш учун ёхл латтага йиррик ош тузидан сепиб, устидан қизиган дазмолни юртсангиз ёки тиш порошоги билан яхшилаб артсангиз дазмол тагидаги доғлар йўқолади.

Кўйдиралаётган ёғга бир чимдим ош тузи ташласангиз, унда тахир ҳид қолмайди.

Қ. ОМОНОВ тайёрлади

**МУСИҚАНИНГ
ҚУДРАТИ**

Япон олимларининг аниқлашича, шарқ мұмтоз мусиқаси даволаш хусусиятiga эга. Кузатишларга кўра, эмискили боласи бор оналарга шарқона мусика эшилтирилганда, уларда кўркрак сути кўпайган. Жаз ва поп «шов-қин-суронли» оҳангларни тинглаган оналарнинг эса камиа бошлаган.

ЗИРАК ТАҚСАНГИЗ

Агар зирәк такишини истасангиз, кулоғингизни ўзинчизча уйда тешишига уринманг. Бундайдан қилиш оғир асраларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Чункик уйда кулоқ тешилганда кулоқ чиганоғининг юмшоқ тўқималари ва тогайларидаги яллиғланыш хавфи пайдо бўлади.

Тун ярмига боргунга қадар одам мириқиб ухлайди. Тўйиб ухлаш учун ухлаш олдиндан деразани ёки дарчани очиб ё бўлмаса, хонани яхшилаб шамоллатиб қўйни керак. Кечкурун жуда ёғли, ҳэм бўлиши кийин овқат емаслик, ухлаш олдиндан ўқимаслик, кишини ижобий ёки салбий ҳис-түйуларга соладиган телевизор кўрсатувларини томоша қиласлик керак. Бошда кичикроқ ёстиқ

бўлса бўйинга ажин тушмайди ва бағбака пайдо бўлмайди. Агар уйқусизлик сизни кийин башласа, дарроғ уйқудориси ичманг. Кейин дори ичмасангиз ухлай олмайсиз. Яхшиси, бир стакан иссиқ сутга бир қошиқ асал кўшиб араплаштириб исчангиз, уйқунгиз ширин, эрталаб кайфиятнинг хуш бўлади.

Наҳорда ичилган сув, айнича совуқ сув, газ сув, шунингдек бир оз ширинроқ ичмаликлар, ширин шарбатлар ичини юриштиради. Шунинг учун қабзиятдан азият чекаётган қишиларга бир пиёла совуқ сув ёки ширин совуқ шарбат ичиш тавсия этилади.

САРИМСОҚ ФОЙДАЛИМИ!

Саримсоқ эрамиздан анча илгари ҳам овқатга ишлатилган. У ҳатто Миср пирамидалари қурувчиларига ҳам мәълум бўлган. Агар овқатга саримсоқ солмоқчи бўлсангиз, овқат пишганда оловини ўчиринг-да, кейин саримсоқни солиб, таомни 3—5 (минут) дақиқа сузмай туринг. Шуни назарда тутингки, саримсоқ узоқ пиширилганда ўзининг фойдали хоссаларини йўқотади. Совиб қолган овқатга саримсоқ солиши ярамайди. Бундан ташҳари саримсоқнинг микробларни ўлдириш хусусияти қадимдан мәълум. Оғизда 3—4 минут чайналанди микроблар ўлади. Шунинг учун ангине, нафас йўллари оғрийдиган беморларга саримсоқ ёйиш тавсия этилади. Саримсоқ суви бош терисига суртилса, соч мустаҳкам бўлади. Саримсоқ иштаха очар таомдир. Уни семиришга мояил одамлар емагани маъқул.

Дераза**ЭЗИЛИБ КЕТИШДИ**

Вилнюс кўчаларидан бирида зулукдек «Тойота» куппа-кундузи кўкка учди. Портлаш пайти унда жиноятчилар оламида Пошна лақаби билан машхур зот ўтирган. Портлатишдан мақсад ҳам уни нариги дунёга жўнатиши бўлган. Сабаби Пошна сал олдин Вилнюсдаги доғни кетган чайқов бозоридаги ўрин нархини 3 мингдан 6 мингга кўттарган. Портлашдан сўнг машина парча-парча бўлиб кетди, Пошнага эса жин ҳам урмади. У машина эшигини очик қолдирган экан. Шу туфайли омон қолган.

Пошна жаноблари ҳеч кимга арз қилмади. Полис ҳам жинойи иш кўзғаб ўтиради. Фақат «пошна остидагилар» гина хафа. (М. И.)

«ИЎҚОЛИШМОҚДА»

Утган ярим йил мобайнинда 200 мингдан ортиқ Россия фуқароси дом-дараксиз йўқолди. Россия ички ишлар вазирлиги маълумотига қараганда, уларнинг 165 минги ҳокимиёт органларидан яширингандардир. Шундан 105 минги мелиса кидирудагиларнинг 10 минги ашаддий жиноятчилар ҳисобланади.

Ўлкалардаги тўс-тўполонлар ана ўшаларга мазза.

АСЛИДА ИЎҚОЛГАНЛАР

29 минг бўлиб, 23 фоизи аёллар, 38 фоизи болалар экан. Уларнинг орасида чиндан ҳам йўқолгандар унчалик ҳам кўп эмас. Аксарияти эса ўз режаларидан яқинларини огоҳ этмасдан кўнгли тураган томонга жўна қолишиган. Хусуман, аёллар, уларни мелиса қидириб юрганда, гўзлар ўлкаларда муҳаббат майни сипкориб, унча-мунча «ишлаб» юришган, болалар эса олам ўрганишган. (М. Э.)

ЕВ ҚОЧГАНДА...

Омскда хавфсизлик вазирлигининг учходими қаифи чоғ кўчада турарди. Сал нарида уч-тўрт йигит ўтган-кетганинг жиғига тега бошлади. Зобитлардан бири яқинлашиб келётгандаги жанхалининг олдини олиш мақсадида тўполончилирга юзланди. Бирок, бошига тушган шиша зарбидан қулақ, осмонга ўз уза бошлади. Қўриқиб кетган бир безори таппа ерга ётиб олди, иккинчиси ура қочди. Жабрланувчининг дўсти осмонга ўз узб безорининг издан қувиб кетди.

Шовкини эшитиб мелисалар ётиб кетди. Хушёрликни йўқотмаган безори қувиб келётгандаги хавфсизлик зобитини кўрсатиб «безорини тутинг» деб бақирди. Мелиса ҳам ўйлаб ўтиради. Ўша заҳоти уни мўлжалга олиб, тўпномасидаги бор ўқни бўшатди. Зобит оғир ахволда жонлантириш бўлимига ётқизилди.



Суратчи: О. ШЕМАКОВ

Эълонлар**33 ЕШДА**

Турмуши бузилиб, иккисарзанди билан қолган аёлман. Бўйим 162 см, вазним — 57 кг. Олий маълумотли ўқитувчиман. Яаш жойим Жиззахда, асли самарқандликман. Агар менга мактуб бўлган киши ўша вилоятдан бўлса, нур устига альбо нур бўлар эди. «Оила-120» га деб ёзинг.

33 ЕШДА

Шахрисабз туманида яшайман. Бўйим 165 см, касбим

агрономлик, қораҷадан келган истарали қизман. Турмушга чиққаним йўқ. Аёл кишининг курби етадиган барча ишни ўздалайман. Ишламайман. Еши 33—38 лар орасидаги истарали, касбкорли, онлар дейдиган киши умр йўлдошим бўлишини орзу қиласланам. Холис иняят билан менинг излаганлар манзилимни таҳририятдан олишларни мумкин. «Оила-121» мактубларигизни кутади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз дўстимиз Рўзибон Турсодиашев! Сизни қирқ ёшга тўлғанлигиниз билан қутлаймиз. Рўзгорингизга



осоиштилил, баҳт, касбкорингизга барака тилаймиз. Фарзандларинингизнинг иқбалини кўриңг. Синфодаш дўстларингиз Иўлдош, АБДАЛИМ, АБДУХОЛИК, САФАР, АЛИМАРДОН. Олтинсой тумани, Чинор қишлоғи.

Кадрли онажонимиз! Сизни таваллуд қишиниз билан чин дилдан табриклимиз. Худоимиз боз — фарзандларингизни узоқ қиласин, танингиз сиҳат бўлсин, ҳар бир кишиниз тўқислик ва хушкайфиятга тўлсин! ХАЙРУЛЛО ва ГЎЛСЕВАР.

* * *

ШЕРЗОД ва ДИЛДОРА! Баҳт тўйларингиз кутлуг бўлсин. Илоё умрингиз, баҳтингиз, ноңигиз, багрингиз бўтун бўлсин. Олангиз МУҲАББАТ, поччангиз ҚАЛАНДАР, жиянларингиз НОДИРБЕК, ЛАТОФАТ, НАФОСАТ, МУНОЖОТ. Пахтани тумани, Карнаб ота

қишлоғи.


* * *

«Танишув» эълони баҳоси 25 сўм, Шунингдек, «Табрик», «Ўзаро савдо» эълонлари қўйида тартибда белгиланган: I босма белгинанг (ҳарф, тиниш белгиси) баҳоси бир сўм. Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 100 сўм. Эълон бир ой муддатда чиқарилади.

Ўн кун мұхлат ичидаги бериладиган эълонлар иккиси баравар қиммат.

Эълон учун тўланадиган пуль почта ёки телеграф орқали ўтказиш ишларни билан қўйида мансизга жўнатиган: 70029, Тошкент — 29, Намоишлар хиёбони, I-й. «Оила ва жамият» таҳририятига.

(61) 43 «Оила ва жамият»



— Матъумки, ҳуқуқ ҳаётимида мухим аҳамиятга эга. Ҳуқуқшунослар жамият таиниши. Сиз ўзингизни шу

номга муносиб деб биласизми?

— Тўғри, давлатчиликда кўп нарса ҳуқуқшунослар

фаолигитига боғлиқ. Аммо ҳуқуқшунослар фаолигити жамиятга боғлиқ бўляптими? Ҳамма гаш шунда. Менга келсан, сиз айтган номга муносиб бўлишига ҳаракат қилинмиш.

— Шу олийгоҳда ўқишини ўзингиз истаганимиз ёки отангизнинг ҳамёни?..

— Ўзим танлаганиман. Бунга онладаги иқтисодий ахвол ҳам сабаб бўлган. Кейин: қариндошлар ҳам шуни талаб қилишган. Қанчалигини... эса айтиши шарт эмас. Орезум отага ҳамёнида улгайга бўлиши мумкин.

— Ишга киргач, берган пулнингизни чиқариб олишга кўзингиз етадими?

— Ҳаракат қиласман. Чиқариб олишимга ишонаман.

— Мухтоҳлик йўқ, лекин менга давлат пуллининг кераги йўқ демайман. Пуллинг қанча кўп бўлса-да, давлатники ҳам зарар қилмайди. Умуман, чўнтақка тушган, кўлга кирган нарсанинг заррacha зиёни йўқ...

— Отангиз ким бўлиб ишлади?

— Отам ҳозир қарилик нафасига чиқсан. Шунгача каттакон корхонанинг бошлиги бўлиб ишларди. Ҳуллас, «орқа» бақувват. Бу жиҳатдан асло ташвишланмайман. Оғайиларнинг ҳам «даражаси» шунга яраша. Агар катта кетиш бўлмаса, шу олийгоҳда aka-ука ўқиймиз.

— Кўпчилик «Халқ ҳўжаси»

ўқишига иштиёқи қандай? — Паст. Умумий баҳо бериб бўлмайди. Қўпчилиги қизиқмайди. Қолаверса, «беш бармоқ баравар эмас».

— «Танка»нгиз ўқишини битиргунингизча кафолотинизни олганими?

— Йўқ. Фақат киришимга ёрдам берган. Имтиҳонларда ҳам кўллаб туриши мумкин.

— Қандай қизларни ёқтирасиз? Умр йўлдошингизни ўзингиз танламоқчимисиз? Еки...

— Оддий қизларни: чироили, яхши кийинган, ўзига қараб юрадиган, ота-онаси бор, тагли-туғли бўлиши кепар. Шу хислатлари бор

ОРАМИЗДА «АДАШИБ» КИРГАНЛАР ҲАМ БОР

Бунга шак-шубҳа йўқ.

— Қанча вақт керак бўлади деб ўйлайсан?

— Буни ҳаёт кўрсатади.

— Бунда қандай йўл тутмоқчилиз?

— ...

— Ўйдан ойига қанча пул олиб турсасиз?

— 4-5 минг атрофида.

— Бу кўпмасми?

— Кўпмас-у, лекин... тежаб ишлатсан этиб қолади.

— Стипендияга мухтоҳлик сезмасангиз керак?..

лиги», «Ҳуқуқшунослик»

ки обрўли олий ўқув юртларида факат пулдорларнинг ва мансабдорларнинг фарзандлари ўқиди, дейишади...

— Шундайку-я, лекин орамизда «адашиб» киргандар ҳам бор. Улар яхши ўқишишади.

— Ҳозир қайси қонуничилик бўйича ўқияпсизлар?

— Шу, эски дарсларничи, собиқ шўро қонуншуносиги ва Ўзбекистон қонундарини.

— Куредошларнингизнинг

бўлган қизни ота-онам ҳам келинингка лозим кўрса кепар. Энг мухими, келин ҳар тарафлама менга «мос» бўлса бас.

— Мен сизларнинг олийгоҳингизга кириб ўқимоқчилик. Нима қиласам мақсадимга эриша оламан?

— Таниш домлалар бор. Ҳоҳласангиз... ёрдам бериним мумкин.

Али ШЕР сұхбатлаши.

ДОЯ КАМПИРНИНГ БОЛАЛАРИ

Олтинсой туманинг баланд тоғлар пойида жойлашган Чинор қишлоғига йўлнинг тушса, «Момосулов момо ким эди», деб сўранг. Ҳар иккокининг биро момо ҳақида бир дунё меҳр ва ардоқ билан ҳикоя қилиб беради.

...Момосулов момо Рахмонқул қизи. Ул ҳокисор замфага худо узон умр ато этди. 96 ўшида бандаликни бажо келтириди.

Момосулов момо — менинг ҳам, барча чинорликларнинг ҳам севиқли момоси эди. У доялик қиласди. Айтишларича, момо или бор доялик қиласлан ҳозир қариллик нафақасини олишаётган экан.

...Чинорда ой-куни яқинлашган аёлларни түргуқчонага олиб бориши яқин ўн-ўн беш йилдан бери одат тусига кирди. Авваллари аёллар кўпчиликнинг ичига бориб фарзандли бўлышдан ор киларидар. Муддат етдими, албатта, Момосулов момомизни ўйларига олиб бориши. Туғиш мұхлати яқинлашган аёллар ҳатто момога «узоқлашиб кетманд», дега тайинлашерди ҳам.

Доя момомизнинг алоҳидада қинқидик кесадиган асбоблари бўлмасди. Борган еридаги, — хонадондаги ошпичик билан чақалоқнинг киндингигин осонгина кесарди кўярди. Ким билади — ўша йиллари микроб, вирус деган нарсалар йўқими, чақалоқ-

лар ҳам ҳадеб касал бўлмасди. Доя момомиз қўлида таваллуд топган чақалоқларга Аллоҳ ҳимоячи эди — шундандир, гўдакларни оғир хасталиклар, бевақт ажал четлаб ўтарди.

У киши на гаразни, на жаҳл, гина-адавотин биларди. Қишлоқнинг ёшу қариси, яхши-ю ёмни ҳам у кишига баб-баравар эди. Шунинг учун у кишига ҳамма эшик очиқ эди.

Ҳокисор инсон — Момосулов момомиз қарийб бир аср умри давомида тақдирнинг кўпдан-кўп синовларига, шўришларига дучор бўлди. Неки бало-қозога юзмаз ўз бўлган бўлса, барисига сабот билан чидади. «Буларнинг бари Аллоҳдан», деди сабр қилди.

...Момомизни эри мулло

Чори. Барвақт ташлаб кетди — умр вафо қилмаган экан раҳматлига. Момомиз у кишидан ўн нафрага яки ўғил-қиз кўрди. Кўпি норасидлик пайтида оламдан ўтди. Ўғилларидан бири — Бобоҳон онасининг олдида — навқирон ўшида қозо қилди. Пардаҳон деган ногирон қиз бўларди. У ҳам момомизни зор қақшабати дунёдан кўз юмди. Дарвоқе, Бобоҳондан иккисиз қозо қилди. Ойхол кўп мөхрибон, диннатли аёл эди. Бир ўғил кўрди — исми Муҳаммади эди. Нима бўлди — эри билан сози чиқмади, акралишиди. У ўғли би-

лан Момосулов момомининг ўйида яшайверди. Бечора унга ҳам бир дард илашида, бу дард унинг наинки вужудига, охир-оқибат ширин жонига ҳам тирмашди... Момосулов момомиз йиглайсигайт Ойхол неварасини ҳам кўмди. Иккичи неварасини эса худо тирноқча зор қилди. Момомиз бефарзанд наввараси учун ҳам кўп кўйди.

Кўзи тиригига Ойхол неварасидан қолган ёғлис ўғил — чевара Муҳаммадин ўйлаб кўйди. Муҳаммади фарзандли бўлди. Момомизнинг бир қувончига юз қувонч кўшилди. Шундан сўнг у бўйин дунё сафарига отланди...

...Дунёнинг ишлари шу қадар чалкаш, талофтли эканки, бало-қозолар Момосулов момомизнинг авлодига ўзи кетгандан сўнг ҳам даҳшатли бир хурух қилди. 1991 йилнинг июн ойи эди. Зардолилар пиша бошлаган мавсум. Савхўа ўрсусидаги бир шаҳар билан шартнома тузган экан: фалон тўнна зардоли етказиб берамиз, деб. Ўрсусияниклар зардолининг ҳар килоига бир рублдан ҳақ тўлашадиган бўлишибди. Муҳаммади ишчи эди. Каттаман дегани нима иш бўйорса, оғир-енгил деб ўтирасиди, индамай, бош бурмай қилиб кетаверар эди. Ҳуллас, Му-

ҳаммади зардоли узиш учун баланд дарахта чиқади. Шунда... нима бўлади-ю шоҳ қарсиллаб синади. Муҳаммади боши билан ерга қадалади ва жон таслим қиласди. Ҳуандада йигирма саккиз ёшда эди. Муҳаммадидан беш нафар сағир бола қолди...

Чинорликлар тўй-ҳашамарларнинг кайвониси, бутун

қишлоқнинг дояси Момосулов момони ҳали-ҳануз ёруғ бир армон билан эслайдилар.

Момонинг ортидан бир қишлоқ одам қолди. Улар момонинг болалариридир.

Махмуд АБУЛФАЙЗ
Сурхондарё вилояти

Хат

• ЁДГОРБЕК •

2 ЁШГА ТЎЛДИ


Бундан иккى йил муқаддам фарғоналик У. оғир аҳволда Фарғона шаҳар марказий түргуқхонасига келтирилди.

Түргуқхона врачлари ҳамма чораларни кўришига қарамай У. дунёдан кўз юмди. Бола она танасидан операция ўйли билан олинди ва тирик қолди. Гўдакни У.нинг укаси Фарғона «Автодормехбаза» ходими Анваржон тарбияга одади. Эндиликда Ёдгорбек 2 ёшига тўйлиб, согсаломат ўсмоқда.

Фарғона шаҳар ҳокимияти томонидан. Анваржонга уч хонали уй ажратилди. Катта бўлсанг ким бўлсанасан гиз, Ёдгорбек дўйтирир бўлмасан деб жавоб беради.

Илоё, гўдакнинг нияти амалга ошсин. Ҳаётдан беъвақт кўз юмган онасининг руҳи доимо уни қўйлаб турсин, дегим келади.

Абдуҳаким АХМЕДОВ,
Фарғона шаҳри



ЙОГЛАРНИНГ ОЛМОС ТАНИ

Ўрта мактаб партасида ёки таъкидчимиз инсон жисманинг кўпдан-кўп файртабий хусусиятлари устида тўхтабиб, унинг болдири сукларни оғирлиги 1500 кг келадиган енгил автомашинани ҳам бемалол кўтара олишини утирганда бутун синф ўқувчилари ҳайратдан ёқа ушлаб қолган эдик. Аста-секинлик билан улгайб борварегач, одам деб атальмиш онгли ва ақлли мавжудотнинг аъзоитани бундан-да ортиқ турли сир-синовларга егалигидан воқиф бўлиб, яна бот-бот таажжуబланавердик.

Менимча, бугун хинд йогларининг ўта ноёб қобилиялари ҳаёти эшитмаган, уларнинг ҳаёти билан қизикмайдиган киши камдан-кам учраса керак. Бизга 5-бисинфдан маълумки, ҳар бир одамнинг ошқозонидаги мавжуд темир қириндиаридан бир дона юзлик мих ясаса бўлади. Танамизнинг ярминдан кўпли сув бўлгани учун ҳам юргурнимизда, кўпроқ ишланимизда, иссиқ хонада ўтирганимизда ҳамма жойимиздан тер сириқб чиқба бошлайди.

Хинд файласуфларининг таъкидлашича, агар инсоннинг танаси худди чигиртканни кидай қаттиқ ва пайдор бўлса, у 18 тонна юкнинг остида ҳам бемалол бир неча соат чўзилиб ётиши мумкин экан... Қандай даҳшат-а! Устингиздан катта бир иморатнинг бир томонини бостириб кўйса-ю, сиз ҳеч нарса кўрмагандек бемалол ётаверсангиз?! Ҳа, шунақаси ҳам бўлар экан. Йоглар ҳаёти билан қисман бўлса-да яқиндан танишсан, уларнинг таж-

рибаларига таянган ҳолда ўзимизнинг нафақат оғир юкларнинг тагида, балки ло-вуллаб ёниб турган ўтнинг ичидаги ҳам, уч-куйруғи кўринмайдиган океан тубида ҳам бемалол яшай олиши мизга сира-сира шубҳа қилмаймиз.

«Йога — ҳам мақсадни, ҳам ана шу мақсадга қандай қилиб эришиш ўйларини, имкониятларни ўзида умумлаштирган кенг маънодаги нотугат таълимотидир. Санскрит тилидан таржима қилинса «йога» сўзи «бирлашиши деган маънени англатади. Инсон руҳининг ҳаёт руҳи ёки худолар руҳи билан биринчи ўйлар умри учун сув билан ҳаводек зарур». Демак, ўйлар «кўшилиши» орқалигина ўз танасининг бутун қудратини, қобилиягини намоён этади. Бундан келиб чиқиб ўй окини дуне оралғанида яшайди десак ҳам муболага бўйлайди. Уларнинг биттаси биз истиқомат қиласидан шаҳарлар, қишлоқлар, ер, сув, ҳаво ҳамда ҳар хил экинтиклилардан иборат дуне бўлса, иккинчиси руҳий-илоҳий, психик, бокий дунёдир. Агар ўй тириклик оламидан ўзининг иккинчи руҳий-психик оламига ўтмоқчи бўлса, ҳамма нарсадан ва ҳаммамиздан вақтинча воз кечади. Ҳудди шу жараёндан бошлаб унинг жисмидаги кўпчиликка ғайриларидан бўлиб туяладиган ҳолатлар жонланадиган бошлайди.

1837 йилда Хиндистонда ўй Харидаза 40 кун туррок остига кўмиб кўйилган эди. Бу таъкида — синов врачлар Миррэй ҳамда Мак-Грегор

рий бошчилигида бир неча гувоҳлар иштироки билан амалга оширилган. Дастьлаб нилуфар ҳолатини олиб қулоқ ва бурун тешиклари мум билан беркитилган. Оғиз бўшлигини у ўз тили билан қоплаган. Шу ҳолатда тахта кутти ичига жойлаштирилиб, чукурга кўмилган ва устига арпа экилган. Бегоналар келиб очмаслиги учун аскарлар кўриқлаб туршиган. Орадан келишилган вақт ўтга, очиб кўрилганда Харидаза дастьлаб қутига қандай жойлаштирилган бўлса, худди шундайлигича турарди. Тажрибадан сўнг шогирлари уни тезда тирилтириб олишган. Бунинг энг муҳим ва қизиқарли жойи шундаки, 40 кун мобайнида Харидазанинг танида ҳеч қандай ўзгариши сезилмаган. Ҳатто синовдан олдин қиртишланган соқолмўйловининг ҳам ўスマғанлиги аён бўлган.

Бундан ярим аср мұқаддам Римда иккى юракли одам яшаб ўтганинг ҳам бизни инсон жисманинг мўъжизавий синоатлари сари етаклаши турган гап. У 9 ёшида ёки турникда бир қули билан 200—250 бор тортина билган. Айнан 20 ёшга етади, у ўз вазнидан ўттиз баробар оғир юкни ҳозра узга ҳавода баланд кўтариб турган. Бу воқеа ўйлар таълимотига тўғри келмаслиги мумкин. Шундай эрсада унинг шу

нинг учун ҳам уларнинг обеклари елкаси узра бемалол айланни тушади. Бармоқлари билан қалинлиги 4—5 см.лик тахталарни қийналмасдан тешиб юбориши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳудди мана шу жиҳатлар йогларнинг атлетизмичилардан устунлигини белгилайди.

Жисмоний тарбия ва жангварлик санъетининг шарқ ҳалиқлари, хусусан ҳиндистонликларга хос турлари билан шуғуланиш нафақат сиҳат-саломатликни балки аклини пешлаш, хотирани мустаҳкамлаш, сабр-бардошни оширишда ҳам ажотади.

Бир йил давомида ўзида ўткачли хотира хосил қилган йог Саа тамоша вақтида 18 ҳонали рақамларининг бир нечасини эсда сақлаб қолган. 1901 йил билан 1999 йилининг орасидаги ҳар бир кунни ҳафтанинг қайси кунга тўғри келишини бехато айтиб берган. Доктор Бий эса тескари қараб китоб ўқий олган.

Йоглар учун қобилиятыни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Бунинг учун албатта ернинг тортина кучини енга билиш, ўз танасини ниҳоятда енгил ва муаллақ тутишига ўрганмоқ керак.

Биз ўзимизни ўйлар билан менгзаб кўрадиган бўлсак, у ҳолда саломатлигимизни мустаҳкамлаш учун танамиздаги мавжуд имкониятларнинг 1/10 фоизидан ҳам фойдаланмайтанимиз ойдинлашади. Умримизни ўзайтириш эмас, балки қисқартириш учун кураштаётганимизга ишонч ҳосил қиласмиз. Аслида эса ўйларда бўлгани каби бизнинг жисмимида ҳам юзага чиқмайтган ботиний куч ва руҳ бор.

Одам нафас олиш орқали ҳам ўз умрни 10 йиллаб ўзайтира олиши бундан бир неча йиллар олдин исботланган эди.

Йоглардек бакувват, соғон бўлишини ким ҳам хушлашади дейсиз?! Бунинг учун, аввало, бизга тоза мухит, дуруст шарот зарур. Сўнгра матонат, ироди, қафса сингари инсон талабчанинги бельгиловчи буюк ҳазинала-римиз мавжудлигини, ўз-ўзимизгат белгилигимизни қарамалигимизни ҳам эплашимиз, тушуниб этишимиз шарт.

Ҳаётда болалигидан бошлаб талабчан, устамон ва қизиқувчан бўлишга интилиши ёд этганлар учун ўйга таълимоти билан доимий боғланиш кўп машақкат түддирмайди. Қисқаси, ўй бўлдингизми, сизни даволаш учун дўхтири ёки жарроҳнинг кераги йўк. Сиз ҳар қандай шароитда ҳам яшай оласиз. Очликдан ўлмайсиз, ўт ичида қолиб кетсангиз ҳам бир неча сония жон сақлай оласиз. Ўткир тигларнинг устида ҳудди етти кет кўрпачада ётгандай дам олаверасиз. Мабоди кунлини икир-чиқири, юриш-туришдан зерикуб қолсангиз, узоқ ҳаёлларга берилган ҳолда, ўз-ўзининг билан ширин сұхbatлар курраб, танангиздаги чарчоқ ва эринчоқ руҳни бемалол ёзиб юборасиз.

Нормурод МУСОМОВ

Бош мұҳаррир:
Абдуҳоҳим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙАТЫ:

Қулман ОЧИЛ
Жұманазар
БЕКНАЗАР
Дадаҳон
ЕҚУБОВ
Мұҳаббат
ИБОДОВА
Тұлқын ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЕД
(Бош мұҳаррир
үрінбосары)
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Кувондик
БЕРДИЕРОВ
Мейлиш
ИҮЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
УЗБЕК
Аскар
АЛЛАБЕРДИЕВ
Таҳририят
келган ҳатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билин
ташкилотлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —
Тошкентдаги
СЭВИЖ
тикорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Сирдарё
«Оқ олтин»
дон маҳсулотлари
корхонаси
МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намойишшар
хизмати,
1-бино.
Телефон:
39-43-95
Обуна
индекс 04654
Буюртма 42
Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

1 2 3 4 5 6

7 8 9 10 11 12

ТЕРИМОНДАН



ИЛХОМ ЗОЙИРГА

— Ҳаммаси эртаги қарамдан бүшаган ерни чопаётганда бошланди. Тұнгычим билан ер чопаёттан әдік, нохос белкурак қатты нарасаға бориб тақалса бўлладими? Белкурак қадалган жойни авайлаб кўлини билан очсан, бир шиша ароқ сарғайиб ётибди денг.

— Қанақаси? Үзимизникими ёки четникими?

— Ерни остида ётаверганидан ёрлиги чириб кетибди. Қонғори ҳам занг босиб, чириш арафасида экан...

— Қаердан келиб қолган экан ўзи?

— Бирортаси хотинидан яшириб шу ерга кўмб қўйғандар, кейинчалик эсидан чиқиб, қолиб кетаверган, бу энди мани шахсий таъжирбадан келиб чиқкан пикр. Яна ким билади дейсиз?

— Ташлаб юбормаган бўлсангиз керак, а?

— Гапингни қараю, бунака топилманни ташлаб бўлладими? Шишини чириган қонғорини очиб пиёлагга кўймоқчи бўлиб турувдим, қаердантир кўшинимиз Сайпи пиён пайдо бўлиб қолди... Аввалига у ҳам ҳайрон бўлиб, сўнг қўлимдан шишани олиб, у ёк бу ёғига қарди ва «шишиасидан үзимизни «оқбона» ўхшаб кетаркан, қайта куришдан олдин чиқкан ароқлардан бўлса керак», деди шишани хидлаб.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин биттамас, иккита пиёла-га қўйдик. Кетиши яхши, маззаси аввали ароқларнидайд. Лекин Сайпи пиён: «Бу қўлда тайёрланган ароқ-ку», деди олдинига пикридан тониб. Бўлмаган гал, дедим! Қайта куришдан олдинига ароқлиги билиниб турниб-

ди-ку, ютумига қара, томокни шуд-горлаб ўтапти, бунақасини бу яқин орада ичган эмасман... Тўғриси, кўшинимни галига ачичигим келди. Шартта қозған бир литира ароқ қуяди! Иккала-ўғлини қўлига пул бериб Шерматни си ҳам рози бўлди. Қарасам «топилма»ни тагида озигина бор, яна бир солишириб кўриш учун. Буни қаранг, оғизда гап турмайдиган ўғлини ҳам воқеани Шермат мудирга айтган экан, Шермат ўқдай учиб дўконидан бир улақма ҳам ўғлима эргашиб кела-верибди.

— Ана буни қаранг!

— Тамшанаверманг, гап ҳали ол-дик, бўмади, натижа чиқмади. Бу ординда! Аввалига ҳалиги топилмадан да яна бир-икки марта дўконга қатқиб ичдик, кетидан дўкондан ол-нашга тўғри келди.

— Икким-м...

— Солиширидик! Яна солишири-дик, бўмади, натижа чиқмади. Бу ординда! Аввалига ҳалиги топилмадан да яна бир-икки марта дўконга қатқиб ичдик, кетидан дўкондан ол-нашга тўғри келди.

ҒАРЖИВ ГАРВ

дирганимни отиб, солиширидик...

— Ох, ух, бай-бай!

— Менимча, иккаласини таъми иккиси хил. Сайпи пиён эса оёғини тираб олди: «Иккаласи ҳам бир гўр!»— дейди-да! Шермат мудир эса бир қарорга келолмай, тоҳ менинг гапимни кўллади, тоҳ унинг. Охири бўлмади. Яна ундан-бундан килиб, солишири-дик...

— Во-ей, во-ей, қандай маззал!

— Шу пайт Шермат билан Пиён баҳаслашиб қолди-ку! Шермат «чис-тий» деса, Пиён «самагон» дейди, денг. Оғзаки бошланган «жанғ», ёқа-бўғдига бориб тақалди. Бир бало қи-

— Мана буни гаров деса бўлади!

— Хуласи калом, Пиён мастилик-дами ёким чинданми, «енгилдим» деди. Кейин уччаламиз бир-бiri-мизга суюнишиб-б-б Шерматти дўкони томон мэрдонавор юриш килдик. Дўконни ёнига борган ҳам эдик-ки...

— Ҳа, нега жим бўлиб қолдингиз? Пиён номардлик қилдими? Гапиринг, кейин нима бўлди?

— Кейинчи! Қўйинг энди ухлайлик, эрталаб азонда кўча супуришга олиб чиқишидими ёки кўмир туширишгами...

— Уф-ф...



— Хотинларга ҳайрон-манди, деди бир ичувчи улфатига.

— Нимага?— сўради улфати.

— Ҳар куни ичиб келсан, хотиним нуқул, пулни қаердан оласиз, деб суриштиргани-сурштирган, лекин кечачиған ароқларимининг шишаларига палто олиб берсан, пулни қаердан олдингиз деб сўрамади, номард.

Леонид Илич радиодан нутк сўзлади:

— Баъзи бирорвлар гумон қилияти, съездэ менинг ўрнинг пластинка гапиравши... энди бу нотўғри... шиш-чоп!.. энди бу нотўғри...

...шиш-чоп!.. энди бу нотўғри... шиш-чоп!.. энди бу нотўғри...

Томдан тушган гишт ўйловчининг бошини ёрди. Оломон дарров уни ўраб олди. Ҳамма ачинон:

— Аттаг! Мана, томдан ҳам гишт туша бошлиди! Қўйчади юриш ҳам ҳавфий бўлиб қолди!..

Оломон ичидан бир киши чиқиб, жеборланувчанинг олдига келиб энгашди:

— Ўртоқлар, бу одам бош-карув аппаратада ишлайди!

Ҳамма:

— Аттаг! Аппаратда ишлайдиганлар шунчалик кўпайиб кетдикси, гишт тушадиган жой ҳам қолмади.

СОВФА

таб.— Вазани сотиб олинг.

Аслида бу чиройли ваза Ваҳобовга ҳам жуда ёкиб қолган эди.

— Қанча туради?— деди Ваҳобов шошганидан.

Раис атрофидагиларга муғамбираона илжайди.

— Рамзий баҳоси — бир сўм!

Ваҳобов бир сўмлик тополмагач, битта беш сўмликни раисга узатди.

Раис, баш ҳисобчи, ҳисобчи, кас-сир, аграном, раис мувонини... хуллас ҳамма қайтим учун чўнтақ ковлашди, лекин ҳеч кимдан майдад пул топилмади.

Ваҳобов мезбонларни хижолатга кўймаслик учун:

— Овора бўлмандар, ҳозир ҳеч кимда майдад пул йўқ. Яхшиси қайти-муга яна тўртта ваза бера қолинг-лар,— деди вазани машинасининг орқа юхонасига жойлар экан...



ТЕРИМОНДАН БУТУН ЧИҚҚАН ГАПЛАР

Жўжани кузда эмас, тафтишчи кетганда санайдилар.

* * *

Муҳаббатнинг ҳам чегараси бор — ЗАГС.

* * *

Жонингда қасдинг бўлса, тижорат дўйонига кир!

* * *

Эркакларнинг ҳаммаси бир хил ўйла-шади: «Нимага шу хотинга ўйланган экан-ман-а?..»

* * *

Ҳар ким ақлини ўз қаричи билан ўлчайди.

* * *

Езувчи бўлишини истасанг, дарахт эк.

ТТТ ДЕВОРИДАМ ЭЪЛОНИАР

«Миллий таомлар» китобини миллий таомларга алмаштираман.

* * *

13-қарорни амалга ошириш учун 14-қарор қабул қилинниб, 15-қарор билан ҳаётга тадбиқ этилсин. Бу қарорларни назорат қилиш учун 16-қарор қабул қилинсин...

* * *

Утган чоршанба куни Отиболдиев 500-марта хушёрхонага тушди. Унинг билан кетма-кет бораётган Сотиболдиев 493-марта, Пиёнбоев 489-марта. Юбиярни қизғин қутлаймиз.